

БАЪЗИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НОТАРИАЛ ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Ашуров Дилшод Рустамович

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

E-mail: adr@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10554385>

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан баъзи хорижий давлатлардаги нотариат институти фаолияти, уларнинг ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш миллий нотариат институтини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу маънода Латвия, Испания, Австрия, Франция ва бошқа давлатларда нотариал фаолият ва унинг тартибга солинишига оид масалалар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан нотариат институтини такомиллаштириш борасидаги устувор йўналишлар, шунингдек ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш аксарият хорижий давлатлар, жумладан АҚШ, Испания, Финляндия, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда нотариат соҳасига “е-нотариус” тизими ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари анча кенг ва илғор жалб қилинганлиги ҳақида хулоса қилинган.

Калит сўзлар: Нотариат, нотариус, нотариус маслаҳатчилари “e-notary”, электрон, аутентик ҳужжат, махсус, интизом, рағбатлантириш, шахслар, танлов.

Ҳуқуқни хорижий ҳуқуқий тизимлар билан қиёсий ўрганиш унинг афзалликларини аниқлаш ҳамда соҳани ривожлантириш истиқболларини чуқурроқ англаб етишга ёрдам беради. А.Саидов таъкидлаганидек, “қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, бир томондан, чет элда асосий муаммони ҳал қилишда ўзини оқлаган фойдали омилларнинг барчасини аниқлашга кўмаклашса, бошқа томондан хориж тажрибасининг салбий томонларини, у ёки бу ҳуқуқий ечимларнинг самарали эмаслигини ҳисобга олиш учун имконият яратади” [1].


Шу жиҳатдан айрим хорижий давлатлардаги нотариат институти фаолияти, уларнинг ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш миллий нотариат институтини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги хорижий тажриба ўрганилганда қуйидагилар кузатилди. Жумладан, Латвияда нотариат фаолияти 1993 йил 1 июнда қабул қилинган Латвия Республикасининг “Нотариат



тўғрисида”ги қонунига асосан тартибга солинади. Бу давлатда нотариус лавозимига умрбод тайинланади, қонунда тўғридан-тўғри белгиланган ҳоллардагина давлат ваколатли органининг қарорига асосан лавозимидан озод этилиши мумкин. Нотариуслик лавозимига номзод тақдим этилиши учун умумий ва махсус талаблар мавжуд. Умумий талаблар: номзод 25 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, давлат тилини яхши биладиган Латвия фуқароси бўлиши шарт. Махсус талаблар: махсус юридик стажга эга бўлиши, яъни икки йил нотариус ёрдамчиси бўлиб ишлаган бўлиши лозим. Шунингдек, жиноий жавобгарликка тортилган, судланган фуқаролар нотариус бўла олмайдилар. Латвияда нотариуслар нотариус маслаҳатчилари ҳайъатига аъзо бўлишлари шарт ҳисобланади [2].

Испанияда нотариат фаолияти 1962 йил 28 майда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги қонунга асосланади. Қонун 6 боб, 47 моддадан иборат бўлиб, унда нотариуслар ҳақида, нотариал ҳаракатлар, нотариусларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, нотариуслар интизоми ҳамда нотариусларни рағбатлантириш масалалари ўз ифодасини топган. Ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра, шартномалар ва юридик аҳамиятга эга бошқа ҳужжатларни фақат нотариуслар тасдиқлайди. Нотариусларнинг касбий фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди. Нотариуслар ўз фаолиятини фақат ўзлари жойлашган ҳудуд доирасида амалга оширади. Испанияда авф этиш ва адлия вазири қиролликнинг бош нотариуси ҳисобланади. Мамлакатда нотариус лавозимига тайинланиш учун номзод: Испания ҳудудида доимий яшаши, 25 ёшдан кичик бўлмаслиги, белгиланган соҳа бўйича дипломи бўлиши, зарарли одатлари бўлмаслиги, шунингдек, мамлакат қонунчилиги бўйича нотариуслик лавозимига номзод учун қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши лозим. Нотариус қироллик буйруғи билан тайинланади. Нотариал идоралар уч кишидан кам бўлмаган шахслар иштирокидаги танлов асосида очилади.

Японияда нотариат ҳуқуқий институт сифатида 1886 йилдан бошлаб амал қилади. Нотариуслик лавозимига юқори малакали ва катта ҳаётий тажрибага эга шахслар тайинланади. Бу касб билан асосан нафақадаги судьялар шуғулланишади. Японияда бор-йўғи 550 нафар нотариус фаолият кўрсатади. Нотариуслар давлат хизматчиси ҳисобланмайдилар. Бироқ нотариуслик лавозимига тайинлаш ва озод қилиш, нотариуслар фаолиятини назорат қилиш масалалари Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади.



Нотариуслар идора биносини ўз маблағлари ҳисобига сотиб олишади. Япония нотариуслари мамлакат Миллий нотариуслар ассоциациясига бирлашадилар. Япон нотариатининг ўзига хослиги шундаки, нотариуслар ваколатига корпоратив битимларни тасдиқлаш ҳам киради. Қизиғи шундаки, Японияда қонун томонидан васиятномаларнинг нотариал тасдиқланиши талаб этилмайди [3].

Австрияда ҳозирги кунгача 1871 йилда қабул қилинган “Нотариал актлар” тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат амал қилади. 1987 йилда нотариус лавозимига номзодларни тайинлаш ҳамда малака имтиҳонлари кўринишидаги синовларни ўтказиш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган қонун қабул қилинган. 1973 йилда эса нотариал тарифлар тўғрисидаги, 1972 йилда нотариусларнинг пенсия ҳамда ижтимоий суғуртаси масалаларига оид қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Мазкур қонун ҳужжатлари ичида 187 йил 25 июлда қабул қилинган “Нотариал ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун энг асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Австрия давлатида 2002 йил ҳиобига кўра 462 та давлат нотариуслари мавжуд бўлиб, 2009 йилга келиб, улар сони 486 тага этган. 1989 йилда эса Австрия Республикасида нотариус лавозими биринчи мартаба аёл киши зиммасига юклатилган [4]. Австрияда нотариус лавозимига номзодларни тавсия қилиш, кўриб чиқиш, уларни комиссия ва алоҳида текширув асосида сайлаш механизми шакллантирилган бўлиб, мазкур йиллар давомида тўпланган тажрибани дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари нотариат фаолиятига тадбиқ қилса бўлади. 1987 йилда нотариус лавозимига номзодларни тайинлаш ҳамда малака имтиҳонлари кўринишидаги синовларни ўтказиш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган қонунда нотариуслар томонидан топшириладиган давлат тест синовлари ўтказилиш тартиби белгилаб қўйилган. Австрияда нотариуслар томонидан онлайн технологияларни ўзлаштириш жараёни 35 йил олдин бошланган. Нотариуслар савдо фирмалари ва кўчмас мулк бўйича ташкил этилган электрон реестрларга кириш ҳуқуқига эга.

Австрия нотариал палатаси томонидан “нотариусларнинг электрон васийлик реестри” ташкил қилинган ва у “васийлик нотариал банки” билан бирга фаолият юритади. Шунингдек, васиятларнинг электрон реестри, нотариуснинг ҳужжатлар архиви, ишончномалар ва бошқа ҳаракатлар бўйича электрон базалар фаол ишлатилмоқда. Шундай тизимлардан бири “CyberDoc” электрон ҳужжат архивидир. Ушбу тизим

нафақат электрон ҳужжатларнинг хавфсиз сақланишини таъминлайди, балки ҳужжатларга (масалан, электрон ҳукуматнинг муҳим соҳаларига, ер кадастри, корхоналар рўйхати, электрон тартибда расмийлаштирилган битимлар ва бошқа) мурожаат қилишда қулайлик яратади. Архив ёрдамида нотариуслар электрон тартибда, агар томонларнинг электрон рақамли имзолари мавжуд бўлса, битимлар расмийлаштириши, ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаши мумкин.

Шунингдек, нотариуслар томонидан мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи билан боғлиқ битим расмийлаштирилганидан сўнг WebERB электрон маълумотлар алмашиш тизимига тақдим этилиши лозим. WebERB тизими нотариуслар, адвокатлар ва судлар ўртасида даъво аризаларини тақдим этишда интернет мурожаат шаклини ҳам белгилайди. Қолаверса, ушбу тизим мулкни рўйхатга олиш, ипотекага оид битимларни расмийлаштиришда қулайликларга эга [5].

Австрияда нотариат фаолиятида электрон архив тизимига жуда катта эътибор қаратилган. Тегишли ҳудуд нотариусларининг электрон архивини шакллантириш масалаларининг зарурлиги эса қуйидагилар билан изоҳланади: расмийлаштирилган нотариал ҳужжатларни сақлашда сақлаш жойларини тежаш, имзоланган нотариал ҳужжатларни тез ва осон топилишида вақтни тежаш; муайян нотариал идора нотариуси томонидан расмийлаштирилган нотариал ҳужжат фақат мазкур нотариал идора ҳудудида сақланиши шарт эканлиги [6].

Германияда барча нотариал ҳаракатлар электрон шаклда амалга оширилади. Нотариуслар ҳар қандай маълумотларни электрон тарзда олади ва бошқа ташкилотлар билан ҳужжат алмашишни электрон тарзда олиб боради. Нотариал ҳаракатлар “e-notary” сайти орқали амалга оширилади. Бунда реестрдан маълумот олишда пулли хизмат кўрсатилади. Нотариус махсус дастурий таъминот асосида электрон ҳужжат тайёрлайди. Мижозлар маълумотлари ҳам унда тўпланади.

Германияда фуқаролар нотариусга мурожаат қилишдан олдин рўйхатдан ўтиши лозим. Қабул куни телефон қилиш ёки электрон талабнома юбориш орқали белгиланади. Фақат мураккаб ҳолатлардагина нотариус мижоз билан учрашиб, нотариал ҳаракатни амалга оширади. Тайёрланган ҳужжатлар танишиб чиқиш учун электрон шаклда фуқаронинг почта манзилига жўнатилади. Мижоз тайинланган вақтда ўз имзосини тасдиқлаш учун нотариал идорага келади. Германия нотариал идораларида IT мутахассислари ишлаши шарт деб белгиланган. Улар


дастурий таъминотнинг доимий ишлашини назорат қилади ва юзага келган муаммоларни тезкорлик билан бартараф этади.

Нотариал хизмат кўрсатишда Франция тажрибаси ҳам эътиборга молик. Францияда нотариал фаолият тўлиқ электрон ҳужжат айланиши тизимига ўтган. Унга кўра, нотариуслар давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслардан тегишли ҳужжатларни электрон шаклда талаб қилиб олади. Дастлабки электрон аутентик ҳужжат 2008 йили расмийлаштирилди ва шундан буён Францияда нотариатнинг виртуал асри бошланди. Нотариусларнинг тўлиқ равишда виртуал аутентик ҳужжат тузишларига имкон яратилган. Францияда нотариуслар интернет тармоғига уланган. Нотариал идоралар ўртасида маълумот айланиши ва ҳужжатлар алмашилишини таъминловчи тизим ишга туширилган. Доимий равишда виртуал ҳужжатларни сақлаш учун Марказий электрон нотариал архив ташкил қилинган.

Таъкидлаш лозимки, француз нотариати Европада биринчилардан бўлиб виртуал ҳужжатлардан фойдаланиш учун хавфсиз электрон имзо сертификатини олган. Қолаверса, муомалада “Tele@ctec – ипотека (кўчмас мулк билан боғлиқ) маълумотлар сақланадиган виртуал тизим” мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида нотариал идоралар ўзаро ҳамда кўчмас мулк билан боғлиқ бошқа ташкилотлар билан виртуал алоқаларни амалга ошириш имкониятига эга. Париж нотариал палатаси томонидан мижоз билан ҳужжат ёки фикр алмашиш бўйича соддалаштирилган ва хавфсиз “Нотариал макон” тизими ҳам ишга туширилган. У мижозга доимий равишда ўзига тегишли бўлган ҳужжатлар йиғма жилди билан танишиш ва нотариуслар фаолияти жараёнини кузатиб бориш имконини беради. Бундан ташқари, “электрон депозит нотариал хизмат” тизими ишга туширилган бўлиб, унда матнлар ва унинг видеоёзувлари, расмлар, дастурлар ва файллар сақланади. Шу билан бирга, бу тизим нотариусга электрон расмийлаштирилган ҳужжатларни сақлаш, унинг топширилган вақти ва келиб чиқиш манбаини исботлаш имконини беради [7].

Белгияда нотариуслар қироллик федерацияси нотариуслар учун маълумотлар базасидан қидиришга оид тизимни тақдим этган. Федерация “Notaclick” веб-сайти, яъни ягона васият базасини бошқаради. Ушбу тизим орқали нотариуслар кўчмас мулкларни ҳам сотиши мумкин.

Амалиётга “Naban” лойиҳаси ҳам киритилган бўлиб, ушбу тизим электрон шаклда расмийлаштирилган нотариал ҳаракатларни сақлайди. У фуқаролар учун ҳам очил бўлиб, идентификацион карта ёрдамида



нотариал расмийлаштирилган ҳужжатлардан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, “е-нотариат” тизими ҳам амалда бўлиб, у барча нотариуслар ва ҳукуматни давлат маълумотлар базасидан фойдаланишида қулайлик яратади [8].

Эстонияда “Нотариал электрон рақамли ахборот тизими” мавжуд бўлиб, у Эстония нотариал палатаси томонидан юритилади. Ўзига “Электрон-рақамли нотариал архив” ва “Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш журналлари”ни бириктирган мазкур тизим нотариусга бошқа нотариус томонидан ёзилган ҳужжатлардан фойдаланишда текшириш имконини беради [9].

Нотариат институтини такомиллаштириш борасидаги устувор йўналишлар, шунингдек ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш аксарият хорижий давлатлар, жумладан АҚШ, Испания, Финляндия, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда нотариат соҳасига “е-нотариус” тизими ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари анча кенг ва илғор жалб қилинганлигини кўрсатади.

Хорижий давлатларда нотариат соҳасига “е-нотариус” тизими ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жалб қилиш амалиётида электрон имзодан фойдаланиш, реестр юритиш, ҳужжатлар айланиши, тегишли органларга электрон ҳисобот тақдим этиш ҳамда “Ягона дарча” тамойили асосида ҳуқуқий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ илғор тажрибани кузатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник для вузов. – М., 2000. – С. 36-37.
2. М.Сафоев. Нотариат фаолиятининг ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва айрим хорижий давлатлар мисолида// <http://huquqburch.uz/uz/view/986>
3. Le Thi Thu Hang. State management of notary offices, case study of Haiphong city, Vietnam. – Режим доступа: <http://rcube.ritsumei.ac.jp/repo/repository/rcube/7472/51213625.pdf>
4. https://studme.org/140405097762/pravo/elektronnyy_notariat
5. Австрийская нотариальная палата: www.notar.at. Informationsnaya sistema pravovoy informatsii www.ris.bka.gv.at
6. <http://xn--80abcmr2ahrkgo.xn--p1ai/article/sistema-elektronniy-notariat>
7. Организация и роль нотариата во Франции. Organisation et role du notariat en France. Chambre des Notaires de Paris (Juin 2013)



www.paris.notaires.fr/sites/default/files/plaquette_chambre_2013_traduction_russe_ru

8. Информационный нотариат в Бельгии: www.notaris.be; Королевская федерация бельгийских нотариусов: www.notaire.be.

9. Нотариальная палата Эстонии: www.notar.ee.

